

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ТУРОБОВ ШАХРИДДИН НАСРИТДИНОВИЧ

**ТЕХНОГЕН ЧИҚИНДИЛАРДАН ВАНАДИЙ АЖРАТИБ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА ЯРАТИШ**

**05.02.01- Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Туробов Шахриддин Насритдинович

Техноген чиқиндилардан ванадий ажратиш олиш технологиясини тадқиқ қилиш ва яратиш.....3

Туробов Шахриддин Насритдинович

Исследование и разработка технологии извлечения ванадия из техногенных отходов.....23

Turobov Shaxriddin Nasritdinovich

Research and development of technology for extracting vanadium from industrial waste 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ТУРОБОВ ШАХРИДДИН НАСРИТДИНОВИЧ

**ТЕХНОГЕН ЧИҚИНДИЛАРДАН ВАНАДИЙ АЖРАТИБ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА ЯРАТИШ**

**05.02.01- Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T2490 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gupft.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ҳасанов Абдурашид Салиевич**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абед Нодири Сойибжоновна**
техника фанлари доктори, профессор

Пирматов Эшмурат Азимович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Миллий технологик тадқиқотлар университети**
«МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали

Диссертация ҳимояси Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «03» февраль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: www.gupft.uz «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (33-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати 2022 йил «19» январь куни тарқатилди.
(2021 йил «13» декабрдаги №33 2021 -рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

С.С. Негматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
ЎзРФА академиги, т.ф.д., профессор

[Handwritten signature]

М.Э. Икрамова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

[Handwritten signature]

А.М. Эминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.

Дунёда ноёб металлларни ажратиш олиш замонавий гидрометаллургия саноатида дастлабки хомашё ва ажратиш олинаётган маҳсулотлар сифатини оширишда ва техноген чиқиндилардан ванадийни куйдириш ва танлаб эритиш жараёни кенг қўлланилиб келинмоқда. Бунда паст ҳароратли куйдириш ва сульфат кислотали танлаб эритиш, жумладан: аммиакли, электрокимёвий, экстракциялаш, мембранали ва бошқа усуллар билан биргаликда қўллаш нафақат экологик талабларга риоя қилишни, балки қимматбаҳо компонентларни қайта тикланиши билан ҳам катта аҳамиятга эга.

Жаҳон амалиётида ванадий темир ишлаб чиқариш саноати тошқолларидан ва титан марганецли рудалар таркибидан ажратиш олиниши ҳамда содда технологик ечимлар ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ванадийни ишлатилган катализаторларидан ажратиш олиш усулини ишлаб чиқиш, пиро ва гидрометаллургик қайта ишлаш йули билан ванадийни ажратиш олишнинг янги технологияларини яратиш ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикада кон-металлургия саноати иккиламчи хом ашёдан фойдаланган ҳолда барча қимматбаҳо металлларни комплекс тарзда ажратиш олишнинг янги инновацион ва такомиллаштирилган технологияларини яратиш бўйича маълум бир чора-тадбирларни амалга ошириб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бандида «...саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу жиҳатдан техноген чиқиндилардан ванадий ажратиш олиш ва мис саноати тошқолларидан темирни ажратиш олган ҳолда юқори сифатли пўлат олиш учун легирловчи қотишма ишлаб чиқаришнинг ресурстежамкор технологиясини яратиш ва мавжуд технологияларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПФ-3145-сон «Фойдали қазилмалар конларини саноат йўли билан ўзлаштириш соҳасидаги лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишлари бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонида, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ 4401-сон «Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ 4477 – сон, «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

Республикаси «яшил» иктисодиётига ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Рангли металллар сақлаган рудалар, чиқинди хомашёлари ва иккиламчи маҳсулотларидан ноёб ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш саноати ривожига маҳаллий ва хорижий қуйидаги олимлар ўзларининг хиссаларини қўшганлар: Григорян В.А., Роцин В.Е., Уточкин Ю.И., Дуб В.С., Зеликман А.Н., Коршунов Б.Г., Палант А.А., Трошкина И.Д., Чекмараев А.М., Шарипов Х.Т., Негматов С.С., Санакулов К.С., Петухов О.Ф., Мухиддинов Б.Ф., Юсупходжаев А.А., Тураходжаев Н, Расулов С., Хасанов А.С., Dutrizac J., Cooper W., Набойченко С.С., Степанов В.П., Смирнов М.П., Грейвер Т.Н. ва бошқалар.

Мавжуд ишлар таҳлиliga кўра, шуни таъкидлаш лозимки, таркибида ноёб ва нодир металллар сақлаган чиқинди маҳсулотларидан ва минерал хом ашёлардан ноёб ва нодир металлларни комплекс ажратиб олишнинг қатор муаммолари мавжуд ва бунда кон металлургия саноати амалиёти ва фанининг ўрни катта. Ушбу диссертация сульфат кислота ишлаб чиқариш саноатининг техноген чиқиндиларидан ванадий ажратиб олиш ва мис тошқолларининг флотацияси чиқиндиларидан темир олиш, шунингдек, 110Г13Л маркали пўлатини легирлаш учун ванадий асосида қотишмалар олиш технологиясини яратишга бағишланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институти илмий тадқиқот режасига мувофиқ, №2-2015-сон «Табиий сульфидли хомашёлар ва саноат маҳсулотларини қайта ишлаш учун тезкор куйдириш усули ва қурилмасини яратиш» (2015-2016 йй.), шунингдек Инновацион ривожланиш Вазирлигининг №А-ОТ-2019-4- «ОКМК ИИЧБ чиқиндилари ва оралик маҳсулотларидаги қимматбаҳо компонентларни (W, Mo, V, Fe, Re, Au, Ag, Cu) техник ва минералогик баҳолаш ва уларни ажратиб олиш ва тайёр маҳсулотларни - переннат аммоний, молибденли аммоний шаклда ҳамда таркибида нодир металлларни сақлаган мис бойитмаларини олиш, технологиясини ишлаб чиқиш» (2019-2021 йй.) мавзуларидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади техноген чиқиндилар таркибидан ванадий ажратиб олиш технологиясини тадқиқ қилиш ва яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишлатилган ванадийли катализаторларни пиро- ва гидрometаллургик

қайта ишлаш билан ванадийни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш;
пирометаллургия йўли билан 110Г13Л маркали пўлатини модификациялаш учун ванадий асосидаги қотишмалар олишда ишлатилган ванадийли катализаторларини қайта ишлаш бўйича тадқиқ қилиш;

мис тошқолларининг флотацияси чиқиндилари ва тошқоллардан темир олиш имкониятини ўрганиш;

темир таркибли қотишмаларни олишнинг оқилона технологиясини ишлаб чиқиш;

оптимал ҳароратларда углеродли кокс ёки кўмир билан темир оксидларини тиклаш кинетикасини тадқиқ қилиш ва ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ МЭЗ сульфат кислота ишлаб чиқариш саноатининг ишлатилган ванадийли катализаторлари ва МБФ-2 нинг мис тошқоллари флотациясининг темир таркибли чиқиндилари олинган.

Тадқиқотнинг предметини ишлатилган ванадийли катализаторлардан ванадийни ажратиб олиш ва саноат чиқиндиларидан темир олиш технологиясини ишлаб чиқиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий комплекс тадқиқот усуллари рентгенофазавий таҳлил, геолого-технологик хариталаш усуллари, тажриба саноат синовлари, гранулометриқ таҳлил, пробиркали, кимёвий, минерологик ва фазали таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ванадий катализаторларини пиро- ва гидрOMETаллургик қайта ишлашнинг асосий технологик параметрлари аниқланган;

пўлатни модификациялаш маҳсулотини олиш учун ванадий таркибли чиқиндиларни тикловчи куйдиришнинг асосий омиллари аниқланган;

қаттиқ фазали тиклаш йўли билан мис тошқоллари флотацияси чиқиндиларидан ва тошқоллардан темир олишнинг асосий қонуниятлари асосланган;

паст ҳароратли тиклаш йўли билан тошқол флотациясининг чиқиндилари ва тошқоллардан темирни комплекс олиш технологияси ишлаб чиқилган;

печларда углеродли кокс ва кўмир билан темирни тиклашнинг оптимал режими аниқланган;

техноген чиқиндилардан олинган ванадий ва темир асосида пирометаллургия усулида ванадий қотишмаси билан модификацияланган 110Г13Л пўлат олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эски ишлатилган ванадий катализаторларини куйдириш ва турли ҳарорат ҳамда концентрацияларда кислотали танлаб эритиш йўли билан қайта ишлашнинг пиро- ва гидрOMETаллургия жараёнларининг технологик режими аниқланган;

ванадий катализаторларини пирометаллургик усулда қайта ишлаш

технологияси ишлаб чиқилган;

ишлатилган ванадий катализаторларини куйдириш ва ванадий қотишмасини олишнинг асосий технологик параметрлари аниқланган;

темир таркибли чиқиндилардан темир олиш учун тиклаш ва ҳарорат режимининг асосий параметрлари аниқланган;

паст ҳароратли қайтираш жараёнида темир таркибини ошириш учун оптимал режим ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги катта миқдордаги лаборатория ва ярим саноат синовлари, синов натижаларининг лаборатория тадқиқотлари билан яқинлашиши, техноген чиқиндиларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларнинг сифати, шунингдек лаборатория ва тажриба синовлари акти билан тасдиқланган..

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлатилган катализаторларда ванадийнинг жойлашиш шакллари аниқлаш ва улардан ванадийни олишнинг технологик схемасини, шунингдек, техноген чиқиндилардан темирни қайтаришнинг оптимал параметрлари танланганлиги, назарий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги ванадий қотишмасини олиш учун темир ва ванадийни ажратиб олиш ҳамда олинган маҳсулотлар 110Г13Л маркали пўлат учун модификатор бўлиб хизмат қилиши ва қўймаларнинг ишлаш муддатини оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Техноген чиқиндилардан ванадий ажратиб олиш технологиясини тадқиқ қилиш ва яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чиқинди ванадий катализаторларидан ванадийни қайтариш ва ажратиб олиш йўли билан темир ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган янги технологик схемаси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг Марказий механик таъмирлаш заводи Ферроқотишма ишлаб чиқариш бўлимида жорий этилган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2021 йил 9 декабрдаги №АС-010096-сон маълумотномаси). Натижада, 110Г13Л маркали пўлатдан олинган қўйма деталларнинг хусусиятларини ва уларнинг умрбоқийлигини 20% га ошириш имконини берган;

мис эритиш заводи сульфат кислота ишлаб чиқариш цехининг ишлатилган ванадий катализаторларини куйдиришдан сўнг танлаб эритиш орқали ванадийли қотишма олиш технологияси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг Марказий механик таъмирлаш заводи Ферроқотишма ишлаб чиқариш бўлимида жорий этилган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2021 йил 9 декабрдаги №АС-010096-сон маълумотномаси). Натижада темир таркибли чиқиндилардан тиклаш усули орқали темирни ва сульфат кислота ишлаб чиқариш цехининг ишлатилган ванадий катализаторларидан 86-88 % ванадий ажратиб олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 4 та халқаро ҳамда 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиш ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланиш бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

«Ванадийли техноген чиқиндиларни қайта ишлаш ва мис тошқоли ва тошқол флотациясини чиқиндиларидан тўғридан-тўғри темир олишнинг замонавий технологиялари бўйича адабиётлар таҳлили» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган бўлиб, бунда бугунги кунда қўлланилаётган ванадий ва темирни ажратиб олиш технологиясининг афзалликлари ва камчиликлари муҳокама қилиниб, ишлатилган ванадий катализаторлари ва мис тошқоли флотацияси чиқиндиларини қайта ишлашнинг анъанавий технологиялари таҳлил қилинди.

Таҳлилий шарҳда ишлатилган ванадий катализаторлари (ИВК) ва таркибида темир бўлган чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича мавжуд технологияларнинг афзалликлари ва камчиликлари, шунингдек, ишлатилган катализаторлардан гидрометаллургик усулда ванадий ажратиб олиш, шунингдек, паст ҳароратда тиклаш йўли билан темир олиш бўйича хорижий тажрибалар кўриб чиқилган.

Адабиётларни таҳлилий кўриб чиқиш шуни кўрсатадики, саноат чиқиндиларидан ванадийни пиро-гидрометаллургия усулида ва чиқиндилардан темирни паст ҳароратли тиклаш йўли билан олиш бўйича тадқиқ қилиш долзарб вазифалардан эканлигини белгилаб беради.


«Саноат чиқиндиларидан ванадий ва металлургия чиқиндиларидан темир олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот объектлари ва тажрибалар ўтказиш усуллари танилаш ва асослаш» деб номланган иккинчи бобида қаттиқ чиқиндиларнинг шаклланиши бўйича тадқиқот

обектлари аниқланди, ўрганилаётган материалларнинг кимёвий ва минералогик таркиби - тадқиқот обектлари ўрганилди ва таҳлил қилинди, кимёвий ва минералогик таҳлил маълумотлари асосида, ишлатилган катализаторлардан қимматбаҳо компонентлар ва мис тошқоллари флотацияси чиқиндиларидан темир олиш учун тадқиқот усуллари ишлаб чиқилди, ҳар бир ўтказилган тажриба учун, яъни, ванадийни куйдириш ва танлаб эритиш, эритмалардан ванадийни чўктириш, темирни қаттиқ фазали олиш. иш кетма-кетлиги ишлаб чиқилди.

Темирли тошқоллар 1 мм дан кам бўлган йирикликгача янчилган, уларнинг таркиби ҳар бир намунанинг таркиби ўртачалаштирилган. «Олмалиқ КМК» АЖ чиқиндиларидан темирнинг қаттиқ фазали тикланишини ўрганиш учун лаборатория қурилмаларида амалга оширилди, жумладан: лаборатория электр печи ва айланувчи қувурли печ; ҳароратни назорат қилиш тизими; шихтани аралаштириш учун кураклар; магнитли фракцияни олиш учун магнит сепаратор. Олинган материал совитилади ва икки қисмга бўлинади: чоракка ажратилгандан сўнг, бир қисми кимёвий таҳлилга юборилади; қолган материаллар металл фракцияни ажратиш учун магнит саралашга юборилади.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати АЖнинг Марказий механик таъмирлаш заводи Ферроқотишма ишлаб чиқариш бўлимида ишлатилган ванадийли катализаторлардан ва мис тошқоллари флотацияси чиқиндиларидан ванадий ҳамда темир ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун услуб ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «Ишлатилган ванадий катализаторларини қайта ишлаш ва саноат чиқиндиларидан темирни тиклашнинг технологик параметрларини тадқиқ қилиш ва аниқлаш» деб номланган учинчи бобида ишлатилган катализаторларнинг гранулометриқ таркиби аниқланди ва ванадийнинг энг катта миқдори - 0,074 мм синфдаги намуналарда тарқалганлиги аниқланган (1- расм).




1-расм. Намунанинг гранулометриқ таркиби ва ундаги ванадийнинг тақсимланиши

Шундан сўнг катализаторларни натрий тузлари кўшилган ҳолда куйдуриш бўйича бир қатор тажрибаларни ўтказиш шартлари олиб борилган,


бу реагентлар ванадий пентоксидини сульфат кислотада осон эрийдиган натрий ванадатларига айлантириши ва ванадийнинг ажралиши аниқланган, чўктиришдан кейин ажралиши 89% га етади.

ИВК ни NaCl ёки сода Na₂CO₃ билан куйдиришда ванадий сувда эрувчан натрий ванадатга (NaVO₃) айланади.

Оксидловчи атмосферада 700-750°C ҳароратда куйдаги реакция давом этади:



Реакция натижасида натрий оксиди Na₂O ҳосил бўлади ва хлор газни чиқади. Олинган натрий оксид Na₂O реакцияга кўра ванадий билан реакцияга киришади ва натрий ванадатни ҳосил қилади:



1- жадвал

Турли хил натрий таркибли компонентлар кўшилиши билан куйдириш натижалари

Na ₂ CO ₃ миқдори, %	Технологик эритма		Куйиндининг чиқиши	
	рН	г	ε, %	
Na ₂ CO ₃ , 1 %	7,5	254	83,8	
Na ₂ CO ₃ , 2 %	7,8	257	83,9	
Na ₂ CO ₃ , 4 %	8,0	262	83,9	
Na ₂ CO ₃ , 5 %	8,2	268	85	
Na ₂ CO ₃ , 7 %	8,5	282	87,8	
Na ₂ CO ₃ , 7,5 %	8,45	287	88,9	
Na ₂ CO ₃ , 8 %	8,8	289	89,1	
Na ₂ CO ₃ , 10 %	9,4	291	88,1	
Na ₂ CO ₃ , 12 %	9,8	280	83,3	
Na ₂ CO ₃ , 14 %	10,2	282	82,4	

Материални куйдириш ва кейинчалик ванадийни сувда танлаб эритиш кинетикаси бўйича натижалар 2-жадвалда келтирилган.


2 - жадвал

Турли ҳароратларда катализаторни куйдириш натижалари


Куйдириш вақти, с	Т, °С	рН	Сувли эритма	
			V чиқиши	ε, %
3	600	8,2	10,2	63,4
3	700	8,4	14,5	81,7
3	750	8,5	14,6	82,9
3	800	8,5	14,9	84,2
3	850	8,1	15,2	85,5
3	900	8,1	14,4	82
3	950	7,9	13,2	76,8

Реакция натижасида ҳосил бўлган натрий ванадати сувда яхши эрийди. Куйдириш жараёнининг оптимал шароити NaCl ёки Na₂CO₃ 8-10%, ҳарорат 700-750°C.

Шундан сўнг, ванадийни кейинги сувли танлаб эритиш учун материални куйдиришнинг оптимал вақти аниқланди. Куйдириш 50 кг/т материал учун Na₂CO₃ нинг аниқланган сарфида ва 700°C ҳароратда амалга оширилди.



2-расм. Куйиндининг ажралиши ва чиқишини Na₂CO₃ нинг сарфига боғлиқлиги



3-расм. Куйдириш ҳароратининг ванадийнинг чиқишига ва ажралишига таъсири


Куйиндини кейинги сув билан танлаб эритиш қуйидаги режимда амалга оширилди: Қ: С = 1: 3, ҳарорат 80-90 °С, вақт - 3 соат.

3- жадвал


Куйиндини сульфат кислота билан танлаб эритиш кинетикаси

Вақти, с	t = 20-25°С		t = 80-90°С	
	чиқинди, г/т	Е, %	чиқинди, г/т	Е, %
0,5	4700	49,5	3800	59,1
1	4400	52,6	3500	62,3
1,5	4100	55,9	3200	65,5
2	3700	60,2	2700	70,9
2,5	3300	64,5	2450	73,5
3	2900	68,8	2100	77,4
3,5	2400	74,1	1900	79,5
4	2000	78,4	1700	81,7
4,5	1700	81,7	1500	83,9
5	1650	82,3	1400	84,9

Материални сода билан куйдириш учун оптимал вақт 3 соатни ташкил этиши аниқланди. Бунда ванадийнинг сувли эритмага ўтиши 85% ни ташкил этди. Танлаб эритиш жараёнида ванадийнинг ажралишини ошириш учун куйиндини сульфат кислота билан танлаб эритиш ишлатилган. Танлаб эритиш шароити: [H₂SO₄] = 40 г/л; Қ:С=1:3; рН 0,8÷1, n = 600 айл/дақ.



4-расм. ИВК дан ванадийни танлаб эритиш учун синов натижалари



5-расм. Ишлатилган ванадий катализаторларини пиро- ва гидрометаллургик усуллар билан қайта ишлашнинг технологик схемаси

Кейин мис тошқоллари флотацияси чиқиндиларидан темирни паст ҳароратда тиклаш бўйича тажрибалар ўтказилди.

Биринчи босқичда чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнининг оптимал параметрларини аниқлаш учун лаборатория тажрибалари ўтказилди. Тикловчи сифатида майдаланган кокс ва Ангрен кўмири ишлатилган.




6 -расм. Турли ҳароратларда тикланган гранулаларнинг тасвирлари: (a) 600°C; (b) 800°C; (c) 900°C; (d) 1000°C.

Лаборатория пачида кварц трубкаларда тиклаш жараёнида фақат назорат тажрибалари ўтказилди, бу кокс ёки Ангрен кўмири билан чиқиндилардан темирни паст ҳароратда тиклашнинг фундаментал имкониятларини кўрсатди.

Тошқол чиқиндиларидан темирни тиклашнинг максимал даражаси 900-1000 °C ҳароратда, тикловчининг сарфи 20% да, изотермик ушлаб туриш вақти 120 дақиқада эришилди.

Қайта тиклашга кўмирнинг миқдори унча таъсир қилмади; аммо темирнинг концентрацияси тикловчининг миқдори ишиши билан ортди; бундан келиб чиқадики тикловчининг оптимал сарфи 20% ни ташкил этди.



7-расм. Турли ҳароратларда тикланган гранулаларнинг оптик микроскопик тасвирлари: (a) 600°C; (b) 800°C; (c) 900°C; (d) 1000°C. А - металл фаза; Bc - кўмир; Frr - феррит; Fa - фаялит; P - ғовак; Slg - тошқол

Изотермик ушлаб туриш вақтининг чиқиндиларнинг тикланиш даражасига таъсири лаборатория тажрибаларида қуйидаги параметрлар билан аниқланган: ҳарорат 900-1000°C, тикловчининг сарфи темирни ўз ичига олган тошқол массасининг 20%, изотермик ушлаб туриш вақти 90, 120 дақиқа.


Олинган натижалар асосида асосий боғлиқликларнинг графиклари тузилди. 1000°C да тикланган гранулалар максимал физик ва механик хусусиятларни кўрсатди, масалан, зич сирт, яхши мустаҳкамлик ва юқори антиоксидантлик. Бирок, ҳароратнинг янада ошиши билан (1200°C) тикланган гранулалар эриб бирикиб бошлади ва

саноат шароитида барқарор ишлашга халақит берган. Мисол учун, никел ва темир каби металлларни тиклаш учун кенг тарқалган ускуна бўлган айланма қувурли печда махсулот айланма печнинг деворига осонгина ёпишади.

Бундан ташқари, намуналарни сув билан тоблашдан сўнг, 1200 °С да олилган намуна осонгина оксидланади. Ушбу натижаларга асосланиб тиклашнинг оптимал ҳарорати, 1000°С эканлиги аниқланди. Бойитма таркибидаги темир миқдори тикланиш вақтининг ошиши билан ортиб борди ва 120 дақиқадан сўнг энг юқори чўққига чикди, шу билан бирга тикланиш деярли ўзгармади.

Бойитма таркибидаги темир миқдори тикланиш вақтининг ошиши билан ортиб борди ва 120 дақиқадан сўнг энг юқори чўққига чикди, шу билан бирга тикланиш деярли ўзгармади. Юқори сифатли бойитмани олиш учун оптимал тикланиш вақти 120 минут деб белгиланди.

Асосан, олинган натижалар ферроникел ишлаб чиқаришда темир ва темир силикат материалларининг қаттиқ фазали тикланиши ҳақидаги маълумотларга мос келади.



8-расм. Турли тикланиш вақтларида тикланган материалларнинг оптик микроскопик тасвирлари: (а) 60 мин; (б) 80 мин; (с) 90 мин; (д) 120 мин. А - металл фаза; Slg - тошқол; Вс - кўмир; Р – ғовак

маълум бўлди, унга қуйидагилар киради:


темир таркибли чиқиндилардан темирни айланма қувурли печда қаттиқ тикловчи восита билан олиш;

металли бойитмаларни чўян ёки темир қотишмаларида қайта ишлатиш;

Углероддан фойдаланиш паст сифатли тикловчи моддаларни, шу жумладан кокс ёки антрацит ўрнини босувчи маҳаллий Ангрен кўмирини ёки катта миқдорда қўллаш имконини беради.


Иссиқлик мувозанатини таъминлаш учун тикловчининг сарфини 10-15% га ошириш керак. Олинган темир тақрибли фракцияни брикетлашдан кейин темир қотишмаси ёки чуян олиш учун қайта эритилиши мумкин. Ишнинг асосий мақсади легирланган пўлат ишлаб чиқариш учун ярқли бўлган темирли қотишмаларни олишда паст ҳароратли тиклаш усулларини қўллаб техноген чиқиндилардан темирни комплекс ажратиб олишининг технологиясини яратиш.

Кўмир ёрдамида паст ҳароратли тиклаш энг истиқболли йўналиш эканлиги



1-кокс 2-Ангрен кўмири

9-расм. Тикловчининг сарфидан металл фракциянинг чиқишига боғлиқлиги



10-расм. $T=1000^{\circ}\text{C}$ ва тикловчининг сарфи 25% бўлганда магнитли фракция чиқишининг тиклаш давомийлигига боғлиқлиги



11-расм. Темирни қаттиқ фазали тиклаш йўли билан мис тошқолларининг флотацияси чиқиндиларини қайта ишлашнинг технологик схемаси

Техник жараённинг якуний натижасига ҳарорат режими, вақт режими, шихта таркиби ва чиқиндиларни тайёрлаш усулининг таъсирини аниқлаш мақсадида лаборатория тажрибалари ўтказилди.

Тажриба саноат синовлари натижасида қуйидагилар аниқланди:

жараённинг оптимал ҳарорати - 900 -1000°C;

тикловчининг оптимал сарфи - 25%;

оптимал ушлаб туриш вақти - 90-120 дақиқа.

Олинган натижалар темир силикат хом ашёсидан феррованадийли темир қотишмасини ишлаб чиқариш бўйича адабиёт маълумотларига мос келади.

Жаҳон амалиётида чиқиндилардан темир олишда паст ҳароратли тиклаш технологиясидан кенг фойдаланилаётганлигини ҳисобга олиб, лаборатория тажрибалари натижалари уни саноатга жорий этишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш учун тавсия этиш имконини беради.

Диссертациянинг «**Тикланган темир маҳсулоти асосида қотишмалар олиш ва ванадийли қотишма олиш орқали техноген чиқиндиларидан ванадий ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи бобда тикловчи куйдириш бўйича тажриба синовлари тақдим этилган, уларнинг мақсади ванадий таркибли чиқиндиларини ИВК қайта ишлаш, бунинг натижасида ванадий асосий материалга тўлиқ чиқарилади ва маҳсулот таркибидаги олтингугурт қайта ишланади.


Кўрсатилган усул сульфат кислота ишлаб чиқаришнинг зарарли чиқиндиларидан (ишлатилган ванадий катализаторлари) фойдаланиш ва шу билан бирга ванадий таркибли хом ашё билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилади. Усул ишлатилган катализатор таркибидаги бирикмаларнинг эриш ҳароратидан паст ҳароратда куйдиришни ўз ичига олади. 900-1100°C ҳарорат оптимал ҳисобланади.

Ишнинг мақсади қуйидагича. Ишлатилган ванадий катализаторида ванадий йўқолишнинг барча пунктларини самарали равишда бартараф этиш ва кейинчалик ванадий қотишмалари ва пўлатларни ишлаб чиқариш учун ишлатилиши мумкин бўлган оралиқ маҳсулотларни олиш учун чиқиндиларнинг материаллардаги олтингугурт камайтиради ва уни сульфат кислота ишлаб чиқаришга юборилади, шунингдек, тегишли тарзда куйдириш жараёнини амалга ошириш керак.

Куйдириш босқичида ёнувчи газ печга кирганда, у катализатор таркибидаги сульфатнинг парчаланишига олиб келади ва ванадий пентоксиддан тўрт валентгача камаяди ва ванадийли бронза ҳосил қилади. Бу ерда ёниш ҳарорати ҳам муҳим рол ўйнайди, чунки ажратилган олтингугурт чиқинди газга киришидан олдин сульфат бутунлай парчаланиши керак.


Металлургик эритишда ванадий маҳсулотида кўп миқдорда олтингугурт ва металл гидроксидлари бўлишига йўл қўйилмайди. Шу сабабли, куйдириш шундай амалга оширилиши керакки, улар маҳсулотдан учиб кетади ва натижада олтингугурт миқдори ванадийнинг оғирлиги бўйича 30% дан кам бўлиши керак ва металл гидроксидлари миқдори ярмидан бир оз кўпроқ бўлиши керак.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, агар объект 900°С дан паст ҳароратда бўлса, олтингугурт осонгина ажралади ва 1100° С дан юқори ҳароратда ванадий йўқолиши мумкин.



12-расм. Ажралиш даражасининг ИВК нинг куйдириш ҳароратига боғлиқлиги

Шунга асосланиб, 900° С ҳароратда ишлов берилганда материалнинг фокфдшқр даражаси 65%, маълум бир ҳароратда (900-1100 °С) бажарилганда 80-95% ни ташкил қилади деган хулосага келинди.




13-расм. Ванадий йўқотилишининг ҳароратга боғлиқлиги

Агар куйдириш ҳарорати 1100°С дан ошса, чиқинди газлар билан 20% дан ортиқ ванадий йўқолади. Ушбу усул ёрдамида материални қайта ишлаш ишлатилган ванадий катализаторларидан ванадийни йўқотишнинг олдини олади. Бундан ташқари, ишлатилган

катализаторлардан олинган ванадийли маҳсулотлар ферроқотишма ишлаб чиқариш учун мавжуд ассортимент кенгайтирилмоқда. Ушбу усулнинг техникаси экстракция жараёнини ва ноорганик кислоталардан фойдаланишни талаб қилмайди.

Ишлатилган ванадий катализаторини қайта ишлаш усули юқори ванадийли ва олтингугурт таркибли маҳсулотларни ажратиш учун юқори ҳароратда контакт массасини куйдиришни ўз ичига олади ва маҳсулот олинмагунча куйдириш ҳарорати 900-1100°С бўлиши билан фарқланади, таркибида деярли бир хил миқдорда ванадий ва олтингугурт мавжуд бўлиб, ажратилган олтингугурт таркибли газ сульфат кислота ишлаб чиқаришга юборилади.



14-расм. Ажралиш даражасининг куйдириш вақтига боғлиқлиги

Ванадий қотишмасини олиш бўйича тажрибалар ўтказилди. Феррованадийни экспериментал эритиш "блокда" эритиш йўли билан амалга оширилди. Ванадий пентоксида ва мураккаб кремний-алюминий тикловчи, металл стружка ва оҳакдан иборат шихта юкланган.

Эритиш тигелни қиздириш билан бошланди, бунинг учун унинг пастки қисмига йирик кокс бўлаклари қуйилди ва унинг устига ёй ёқилди. Тигел 900 - 1000°C ҳароратгача қиздирилган. Тигелни қиздиргандан сўнг, шихталанган материаллар аралашмаси дарҳол қисмларга бўлиб кўшилди. Шихта материаллари колошник қисми эришининг олдини оладиган тарзда юкланган. Электр печининг тигелига барча керакли шихта материаллари тўплами юборилгандан ва юқори қисмини эритиб бўлгандан сўнг, печ ўчирилди ва тигелни совитиш учун қолдирилди.

4-жадвал

Олинган ванадий қотишмаларининг кимёвий таркиби

Номи	V	Fe	SiO ₂	CaO	P	C	S
Феррованадий	44,55	36,64	9,07	2,08	-	4,44	0,7
Феррованадий	39	31,69	6,05	2,89	-	2,58	0,28
Феррованадий	42,61	9,55	19,01	7,15	0,03	3,51	0,3

Натижада қуйидаги кимёвий таркибга эга ванадий қотишмаси олинди.

Олинган натижалар асосида 110Г13Л пўлатни эритиш технологиясини яратиш бўйича ишлар олиб борилди. ДСП-3-ИЗ типдаги электр ёйли печларида пўлат эритилди.

110Г13Л маркали пўлат тоғ-кон саноати ва энергетикада (экскаватор ковши тишлари, майдалагич плиталари, тегирмон зирхлари ва бошқалар) қўйма ишлаб чиқариш учун хизмат қилади.


Металлнинг тузилиши ва хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қўймани қайта ишлаш учун ванадий қотишмаси ишлатилганда, қуйишдан кейин металлнинг тузилиши анъанавий тарзда эритилган пўлат билан солиштирилганда тоза дон чегараси кўринади.

Олинган намуналарнинг кимёвий таркиби, %

	C	Mn	Si	Cr	V	S	P
110Г13Л	1.25	14,02	0.69	0.28	-	0.05	0.05
Намуна	2	11	1.4	0.4	0.2	0.1	0.05
Намуна	2.4	11.33	1.7	0.5	0.4	0.05	0.05
Намуна	1.14	11	1	0.5	0.6	0.05	0.05
Намуна	1.038	10.5	0.8	0.5	0.8	0.05	0.05

Эгилишга текшириш учун намунани қўйишда, ишлатилаётган нисбатан қисқариш бўшлиғи кўринишидаги нуқсонлар кузатилмади.

Таҳлилларга асосланиб, қўйманинг механик хусусиятлари, ейилишга бардошлилиги 20% га яхшиланган деган хулосага келиш мумкин.



а

б

**15-расм. Пўлат структураси: а - анъанавий усул бўйича;
б - ванадий қўшилгандан кейин**


Механик хусусиятлар таҳлили шуни кўрсатдики, модификация туфайли зарбага чидамлик анъанавий қайта эритиш билан солиштирганда 10-15% га ошди. Нисбий чўзилиш кучи ҳам ошди.

6-жадвал

Намуналарни мустаҳкамлик учун синовдан ўтказишнинг қиёсий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Анъанавий усул бўйича	Ванадий қўшилгандан кейин
Вақтинчалик қаршилик σ_b , МПа	450–500	700–810
Нисбий чўзилувчанлик δ , %	12–16	21–16
Зарбий қовушқоқлик КСУ, Дж/см ²	150–200	250–290

«Олмалиқ КМК» АЖ Марказий ремонт механика заводи (МРМЗ) да 110Г13Л пўлатни модификациялаш технологиясининг жорий этилиши илгари оксидланиш усулида ишлаб чиқарилган муҳим қўймаларнинг бир қисмини қайта эритиш усулига ўтказиш имконини берди.



16-расм. Қўшилган ванадий миқдоридан зарбий қовушқоқликнинг ўзгариши

Лаборатория тадқиқотлари ва ишлаб чиқариш шароитида олиб борилган экспериментал тажриба натижалари шуни кўрсатдики, пўлатни ванадий қотишмаси билан легирлаш карбид қўшимчаларини майдалашни ва қуйма ҳолатида уларнинг сонини камайтиришни осонлаштиради. Модификацияланган қуймаларни термик ишлов бериш карбидларнинг деярли тўлиқ эришига олиб келди, бу уларнинг хизмат қилиш муддатини ошишига ёрдам беради.

7-жадвал

Олинган қуймаларни механик хусусиятларининг кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Анъанавий усул		Модификациялаш усули	
	№ 1 эритиш	№ 2 эритиш	№ 3 эритиш	№ 4 эритиш
Вақтинчалик қаршилик σ_b , МПа	565,5	570,1	685,0	730,0
Оқувчанлик чегараси $\sigma_{0.2}$, МПа	327	330	355	355
Нисбий чўзилувчанлик δ , %	17,1	19,2	25,0	28,0
Нисбий эгилювчанлик Ψ , %	15	15	18	22
Зарбий қовушқоқлик КСУ, Дж/см ²	170	170	220	230

110Г13Л пўлатини ванадий билан модификациялаш технологиясининг жорий этилиши қуймаларнинг структуравий ҳолати ва уларнинг эксплуатацион хусусиятларига оид шикоятларни бартараф этганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

1. Ишлатилган ванадий катализаторларини куйдириш ва сульфат кислота билан танлаб эритиш йўли билан ванадийни 90% гача олиш имконини берадиган қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилди.

2. Ванадийнинг ажралиши 92% га етган ва ванадий таркиби 45% қотишмасини олиш учун мақбул бўлган ишлатилган ванадий катализаторларини куйдириш ҳарорати ва вақтига қараб тикловчи куйдиришнинг оптимал режими ишлаб чиқилди.

3. Мис тошқоллари ва тошқолларни флотацияси чиқиндилари ҳолатини ўрганиш асосида мустақил рудалар йўқлиги сабабли улар темирнинг қимматбаҳо хом ашёси бўлиб, мустақил равишда қайта ишлаш мумкинлиги аниқланди.

4. Мис тошқоллари ва тошқолларни флотациялаш чиқиндиларини қайта ишлашнинг истиқболли усули темирни паст ҳароратли қаттиқ фазали тиклаш ва ундан кейинги темир таркибли маҳсулотларни ажратиш учун мақбул режим тавсия этилди.

5. Тикловчининг тури, миқдори ва изотермик ушлаб туриш вақтига ҳамда ҳароратига қараб чиқиндилардандан темирни олиш қонуниятлари: жараённинг оптимал ҳарорати 900-1000°C, тикловчининг оптимал сарфи - 20%, жараён давомийлиги 90-120 дақиқа бўлиши аниқланди.

6. Мис тошқоллари флотация чиқиндилари ва мис тошқолларини паст ҳароратда тиклаш ва ундан кейинги магнит сепарация билан қайта ишлаш технологияси тавсия қилинди.

7. Ванадий қотишмаси ва темирнинг қаттиқ фазали тикланиши натижасида олинган пўлатни қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИТАРНОГО
ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ТАШКЕНТСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО ТЕХНИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА
имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

НАВАЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

ТУРОБОВ ШАХРИДИН НАСРИТДИНОВИЧ

**ИССЛЕДОВАНИЕ И РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ИЗВЛЕЧЕНИЯ
ВАНАДИЯ ИЗ ТЕХНОГЕННЫХ ОТХОДОВ**

**05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия черных,
цветных и редких металлов (технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент– 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2021.4.PhD/Т2490.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.gupft.uz) и информационно-образовательном портале «ZIYONET» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Хасанов Абдурашид Солиевич
доктор технических наук, профессор

**Официальные
оппоненты:**

Абед Нодира Сойибжоновна
доктор технических наук, профессор

Пирматов Эшмурат Азимович
доктор технических наук

Ведущая организация:

**Алмалыкский филиал Национального
исследовательского технологического университета
«МИСиС»**

Защита диссертации состоится «03» февраля 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 при ГУП «Фан ва тараққийот» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan_va_taraqqiyyot@mail.ru, в здании ГУП «Фан ва тараққийот», 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараққийот» (Зарегистрированный номером №33). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан «19» января 2022 года.
(протокол реестра №33 от 13 декабря 2021 г.).



С.С. Негматов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, академик АН РУз, д.т.н., профессор

М.Э. Икрамова

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

А.М. Эминов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире извлечение редких металлов широко используется в современной гидрометаллургической промышленности для улучшения качества сырья и получаемых продуктов, а также в процессе обжига и выщелачивания ванадия из техногенных отходов. В этом аспекте использование низкотемпературного обжига и селективного выщелачивания серной кислотой, в том числе: аммиачных, электрохимических, экстракционных, мембранных и других методов, важно не только для соблюдения экологических требований, но и для извлечения ценных компонентов.

В мире проводятся научные исследования по извлечению ванадия из шлаков металлургической промышленности и состава титано-марганцевых руд, а также разработка простых технологических решений. В связи с этим актуальна разработка способа извлечения ванадия из отработанных катализаторов, создание новых технологий выделения ванадия пиро- и гидрометаллургической переработкой и совершенствование существующих технологий.

В республике горно-металлургическая промышленность страны добывается создания и внедрения новых инновационных и усовершенствованных технологий комплексного извлечения всех драгоценных металлов с использованием вторичного сырья. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи «...повышения промышленности на качественно новый уровень, глубокой переработки местных источников сырья, ускорения производства готовой продукции, освоения новых видов продукции и технологий...»¹. В этом аспекте научное исследование, направленное усовершенствованию и разработке новых технологий для полного извлечения ванадия и железа в восстановленном виде из отработанных ванадиевых катализаторов и хвостов флотации шлаков медного производства с получением сплава ванадия для легирования высокопрочной стали, имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени направлено на выполнение задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3145 от 24 июля 2017 года «О мерах по совершенствованию управления научно-исследовательскими и проектно-изыскательскими работами в сфере промышленного освоения месторождений рудных полезных ископаемых», в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4124 от 17 января 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли», в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VIII. «Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

